Ўзбекистон Республикаси
бюджет тизими бюджетларининг
ғазна ижроси коидаларига
8-ИЛОВА

**2022 й. " 23 " 12 даги «IMRON STROY CLUSTER» МЧЖ ва Ромитан тумани Тиббиёт бирлашмаси ўртасида** 197000000 **умумий суммага тузилган** 221- **сонли шартномага**

**ТЎЛОВ ЖАДВАЛИ**

Боб **075**
Шахсий ғазна хисобварак 100022860062427073101054004 (сўмда)

| 2022 й. ойлар номи | Харажатлар тури | | | Жами |
|---|---|---|---|---|
| | 7073 1010 54 (43 54 990) | ...(*) | ...(*) | |
| Январ | | | | |
| Феврал | | | | |
| Март | | | | |
| Апрел | | | | |
| Май | | | | |
| Июн | | | | |
| Июл | | | | |
| Август | | | | |
| Сентябр | | | | |
| Октябр | | | | |
| Ноябр | | | | |
| Декабр | 197000000 | | | 197000000 |
| **Жами йил бўйича** | 197000000 | | | 197000000 |

Жами сўм 197000000 сўм. Бир юз туксон етти миллион сўм) сумма сўз билан.

Юкоридаги тулов жадвали буйича курсатилган суммадан 59100000 ёки шартнома умумий сумасининг 30 % 2022 йил декабр ойнинг 31-санасигача олдиндан тўланиши лозим.

Рахбар (имзо) Ж.Тохиров

М.Ў.

Бош хисобчи (имзо) Т.Кандиёров

Ғазначилик бўлинмаси ходими кабул килди
2022 й. «____»__________ ______________ (имзо)

Бюджетдан маблағ олувчи ходими кабул килди
2022 й. «____»__________ ______________ (имзо)

# ОЛДИ-СОТДИ ШАРТНОМАСИ
## № 221

**Ромитан туман**

**« 23» « 12 » 2022 йил**

«IMRON STROY CLUSTER» МЧЖ, кейинги ўринларда "Сотувчи" деб юритилади, узининг низоми асосида иш юритувчи **М.Эргашева** номидан, бир томондан ва **Ромитан туман Тиббиёт бирлашмаси** кейинги ўринларда "Сотиб олувчи" деб юритилади, Ўзининг низоми асосида иш юритувчи рахбар **Ж.Тохиров** номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар ҳақида туздилар.

**1. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ**

1.1. Сотувчи ўзига тегишли бўлган товар(махсулот)ни ушбу спецификацияга асосан Сотиб олувчига мулк қилиб топшириш, Сотиб олувчи эса товар(махсулот)ни кабул килиш ва ушбу Шартномада белгиланган муддатларда тўлаш мажбуриятини олади.

| № | Наименование продукции | Ўл. бир. | Миқдори | Нархи | Умумий қиймати |
|---|---|---|---|---|---|
| 1 | ***Дизель – генератор(Мощность постоянная кВт 150 кВт Мощность постоянная кВА 110 кВА Мощность резервная, кВт 110 кВт Мощность резервная, кВА 110 кВА Выходное напряжение 400 В Число фаз Трёхфазная)*** | Шт | 1 | 197000000 | 197000000 |
| 2 | | | | | |
| 3 | | | | | |
| 4 | | | | | |
| 5 | | | | | |
| 6 | | | | | |
| | **ЖАМИ** | **XXX** | **XXX** | **XXX** | 197000000 |

1.2. Мазкур жадвалда кўрсатилган товар (махсулот)ни етказиб бериш муддати: « 31 » « декабрь » 2022 йилгача

**2. ТЎЛОВ ШАРТЛАРИ**

2.1. Ушбу шартноманинг умумий суммаси 197000000 сўм. Бир юз тукссон етти миллион сўм ни ташкил этади.

2.2. Сотиб олинадиган Товар (махсулот) учун олдиндан тулов миқдори 59100000 сумни, яъни, белгиланган сумманинг 30 фоизини ташкил қилади ва бу олдиндан тўлов 2022 йилнинг декабрь ойида амалга оширилади. Якуний тўловнинг миқдори эса 137900000 сўмни, яъни, келишилган сумманинг 70 фоизини ташкил этади ва бу якуний тўлов ҳисоб-фактура (ёки ишлар бажарилганлигини тасдиқловчи ҳужжат) тақдим қилингандан сўнг 2022 йил " 31 " декабрьгача амалга оширилади.

2.3. Тўлов шакли нақд пулсиз пул кўчириш йўли билан амалга оширилади.

**3. ТАРАФЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ**

3.1. Шартномадаги 2.1 бандида курсатилган авансни «Сотувчи» олгандан сўнг махсулот етказишни бошлайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2021 йил 16 мартдаги 139-сонли қарорига асосан бюджетдан маблағ олувчиларнинг бюджет маблағлари ҳисобига тузиладиган шартномаларида, қоидага кўра, 30 фоиз миқдорида олдиндан ҳақ (аванс) тўлаш назарда тутилган

3.1.1Сотувчининг мажбуриятлари:

3.1.2. Товар (маҳсулот)ни шартнома талабларига жавоб берадиган ҳолатда Сотиб олувчига ўз вақтида топшириш.

3.1.2.1 Товар (махсулот)ларнинг сифати ушбу гурухи учун амалдаги стандартларга мувофиқ келиши керак.

3.1.3. Сотувчи тўпламда яроксиз, сифати лозим даражада бўлмаган товарлар (махсулот) мавжудлиги хақида хабар олган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сифатсиз товар (маҳсулот)ни сифатлисига алмаштириш ёки ушбу шартноманинг 1.2.-бандига мувофиқ сифати лозим даражада бўлмаган товарнинг пулини қайтариб беради.

3.1.4. Транспорт харажатларини ўз ҳисобидан тўлайди.

3.1.4. Сотувчи Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конунчилигига мувофиқ товар (маҳсулот)га бўлган кафолат муддатларини тақдим этади.

3.2. Сотиб олувчининг мажбуриятлари:
3.2.1. Қабул қилиш далолатномасини расмийлаштирган ҳолда ушбу шартнома ва қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ва муддатда товарни миқдори, сифати ва бутланиши бўйича қабул қилиб олади.
3.2.2. Сифати лозим даражада бўлмаган товар келтирилганлиги аниқланган тақдирда, ушбу товарнинг сифати лозим даражада эмаслиги ҳақида далолатнома расмийлаштирилган пайтдан бошлаб 3 кун ичида сотувчини хабардор қилади.
3.2.3. Шартномада белгиланган миқдорда, тартибда ва муддатда товар ҳақини тўлаш.

**4. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ**

4.1. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш томонларнинг розилигига кўра қўшимча битимни расмийлаштириш йўли билан амалга оширилади. Шартномага ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳақидаги битим у ёзма шаклда бўлгандагина ва томонлар уни имзолаганларидагина ҳаққонийдир.
4.2. Томонларнинг шартнома шартларига киритган қўшимча ва ўзгартиришлари унинг ажралмас қисми бўлиб ҳисобланади, улар албатта инобатга олиниши зарур.
4.3. Шартнома қонунчилик ўзгарганда, Ўзбекистон Республикасининг қонунчилик ҳужжатларида белгилаб берилган бошқа ҳолларда қайта тузилиши ёки ўзгартирилиши мумкин.

**5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ**

5.1. Товарни топшириш муддатини бузганлик учун айбдор тараф иккинчи тарафга етказилган зарарни тўлиқ қоплайди ва қуйидаги миқдорда жарима тўлайди:
5.2. Товарни тўлиқ топширмаганлик учун Сотувчи ҳар бир кечиктирилган кунига топширилмаган товар қийматининг 0,5 % миқдорида неустойка тўлайди.
5.3. Сифати бўйича шартнома шартларига жавоб бермайдиган товарни топширганлик, шунингдек бутланмаган товарни топширганлик учун айбдор тараф товар қийматининг 5% миқдорида жарима тўлайди:
5.4.Шартноманинг 4.1.2-бандида белгиланган муддатда сифати лозим даражада бўлмаган товарни алмаштиришдан бош тортган тақдирда Сотувчи товар қийматининг 10% миқдорида жарима тўлайди: ______
5.5. Товар ҳақини ўз вақтида ёки тўлиқ тўламаганлик учун Сотиб олувчи ҳар бир кечиктирилган кунига тўланмаган сумманинг 0,4 % миқдорида, лекин ушбу сумманинг 50 % дан ошмайдиган миқдорда ўзининг махсус ҳисоб рақамидан пеня тўлайди.
5.6. Неустойкани тўлаш тарафларни шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажаришдан озод қилмайди.

**6. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ**

6.1. Мазкур шартнома **2014 йил 1 январдан амалга киритилган Ўзбекистон Республикаси "Бюджет кодекси"нинг 122-моддаси ҳамда ЎзР Молия Вазирлигининг 2016 йил 22 ноябрдаги 88-сон буйруги билан тасдиқланган "Бюджет тизими бюджетларининг ғазна ижроси қоидалари" (2016 йил 22 декабрда 2850-сон билан Адлия Вазирлигидан рўйхатидан ўтказилган)**га асосан шартнома тегишли тартибда ғазначилик бўлими рўйхатидан ўтказилгандан сўнг қонуний кучга киради ва **2022 йил «31»декабр**ьгача амалда бўлади.
6.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, бир хил юридик кучга эга бўлиб ҳисобланади ва томонларнинг ҳар бири учун бир нусхадан берилади.
6.3. Шартнома муддатидан олдин қуйидаги ҳолларда бекор қилиниши мумкин:
- томонларнинг келишувига мувофиқ;
- Ўз.Р. қонунчилик ҳужжатларида назарда тутилган ҳолларда.
- Форс-Мажор ҳолатларида

**7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ**

7.1. Тарафлар шартномада кўрсатилган мажбурият ва шартларни бажармаган тақдирларида Ўз.Р. Фуқаролик кодекси ва "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатлари асосида жавобгар бўладилар.
7.2. Тарафлар ўртасида келиб чиқадиган низолар ўзаро келишув асосида, агар тарафлар келиша олмасалар низолар Ўз.Р. "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги қонунга ва Фуқаролик кодексига асосан хўжалик суди тартибида ҳал қилинади
7.3. Келишмовчиликлар юзага келган тақдирда барча масалалар икки томонлама музокаралар йўли билан ҳал қилинади, келишиш имкони бўлмаганда эса Бухоро вилоят Хўжалик судида ҳал қилинади.

**8. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ КУРАШИШ ШАРТЛАРИ.**

8.1 Тарафлар шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажараётганда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларининг талабларига зид келадиган ҳар қандай ҳаракатларни амалга оширмайдилар, шу жумладан, пора беришни таклиф қилмайди, ваъда бермайди, товламачилик қилмайди, пора сифатида пул тўламайди, бевосита ёки билвосита пора олишга розилик бермайди ёки пора, яъни тарафлардан бири ўз хизмат мажбуриятларидан фойдаланган ҳолда пора берган шахснинг манфаатларини кўзлаб муайян ҳаракатларни содир этиши ёки содир этмаслиги шартлиги ёки мумкинлиги учун моддий қимматликларни ёки мулкий наф олмайди. Тарафлар ушбу ҳаракатларга йўл қўймаслик бўйича чоралар кўрилишига кафолат беради.
8.2 Агар шартнома бўйича бир тараф бошқа тарафнинг ахлоққа тўғри келмайдиган ва ушбу шартнома ёки Ўзбекистон Республикаси қонунчилигига зид келадиган хатти-ҳаракатларига, шу жумладан, коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга мажбурлашдан иборат бўлган фактларга дуч келса, бу ҳақда қуйидаги алоқа каналларидан бири орқали хабардор қилиш керак: "1008" ишонч телефони, телеграм-канали "@anticorbot" орқали, ёки ҳудудий прокуратура органларига билдириш лозим.

## 10. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

**«Сотувчи»**

«IMRON STROY CLUSTER» МЧЖ

Манзил:Бухоро вилоят Ромитан тумани
Тел./факс
х/р **20208000700934840001**
Банк: **ТОШКЕНТ Ш., АТБ "КИШЛОК КУРИЛИШ БАНК" БОШ АМАЛИЁТЛАР БОШКАРМАСИ**
МФО **01037** ИНН **305821984**

Рахбар: ____________ М.Эргашева

____________
(имзо)

**«Сотиб олувчи»**

**Ромитан туман Тиббиёт бирлашмаси**
Манзил: Ромитан шахар Шифокорлар кучаси
Тел./факс 55-2-41-01
шгх* 10002286006242707310105400
Ташкилотнинг СТИРи 200976465 ОКОНХ 91511

Ғазначилик бўлинмасининг номи
Ромитан тумани буйича газначилиги
**ЯҒХ** 23402000300100001010
Банк номи: Марказий банкнинг Тошкент шаҳар Бош бошқармаси Ҳисоб-китоб-касса маркази (ҲККМ)
МФО 00014 Ғазначилик бўлинмасининг СТИРи 201122919
Буюртмачи рахбари ____ Ж.Тохиров
(лавозими) (Ф.И.О.)

____________
(имзо)

GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: JL3533132465

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

JL3533132465

1. Loyihaning turi : Shartnoma

2. Loyihaning nomi: **Romitan tuman Tibbiyot Birlashmasi va "Imron Stroy Cluster" mas'uliyati cheklangan jamiyati o'rtasida dizel Generator sotib olish bo'yicha 197.000.000 so'mlik oldi-sotdi shartnomasi.**

3. Loyiha ishlab chiquvchisi va kiritilgan sana haqidagi ma'lumot: Romitan tuman tibbiyot birlashmasi tomonidan 20.12.2022 yilda kiritilgan.

Loyiha amaldagi qonun hujjatlariga muvofiq ishlab chiqilgan va uni qabul qilish maqsadga muvofiq.

**Romitan tumani yuridik markazi bosh yuristkonsulti:**

**B.B.BO'RONOV**

20.12.2022